


Муҳаррам — ўн икки ойлар ичидаги хос ойлардандир



11:00 / 19.07.2023 1153

Ибодатларнинг вақти белгиланадиган ҳижрий қамарий йил ҳисобининг биринчи оyi Муҳаррам ойидир. Аллоҳ таоло бу оyни Қуръонда ойлар ичида хослаб зикр қилиб, шундай марҳамат қилади:

«Албатта, Аллоҳнинг наздида ойларнинг адади Аллоҳнинг осмонлар ва ерни яратган кунидаги битигига мувофиқ ўн икки ойдир. Уларнинг тўрттаси (уруш) ҳаром қилинган ойлardир...» (Тавба сураси, 36-оят).

Пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам ушбу оятни шарҳлаб: «Бу тўрт ой — Зулқаъда, Зулҳижжа, Муҳаррам ва Ражабдир...» деганлар. (Аҳмад ибн Ҳанбал ривояти).

Демак Муҳаррам оyi ҳам ўн икки ой ичидаги хос ойлardандир. Бу ой кирганда ҳатто Исломдан олдинги жоҳилият давридаги жанжалкаш, урушқоқ қабилалар ҳам қуролларини ташлашган, қилич-ханжарларини қинларига солишган. Бу оyнинг ҳурматидан урушлар тўхтатилган.

Аллоҳ таоло бизга фитна-фасодга, уруш-жанжалга тиш-тирноғи билан

қарши чиқадиган Ислондек динни неъмат қилиб берди. Ислонда ноҳақдан қон тўкиш у ёқда турсин, бир-бирига озор бериш, азият етказиш, ғийбат қилиш, обрўсини тўкиш ҳаром ҳисобланади.

Хусусан, ушбу ойда мўмин-мусулмонлар бир-бирларини ранжитиб қўйишдан, бир-бирларига озор етказиб қўйишдан жуда эҳтиёт бўладилар.

Бу ойнинг халқимиз орасида «Ашуро ойи» деган номи машҳур. «Ашур» араб тилида «ўнинчи» деган маънони билдиради. Бунинг сабаби эса аксар пайғамбарлар қийинчиликлардан нажот топган кун Муҳаррам ойининг ўнинчи кунига тўғри келганидир. Масалан, Одам Ато алайҳиссалом ман қилинган мевани еб қўйиб, жаннатдан чиқарилгандан кейин, надомат билан Аллоҳга тавба қилдилар. Охир-оқибат Аллоҳ таоло тавбаларини қабул қилди. Бу айнан Муҳаррам ойининг ўнинчи кунига тўғри келди.

Нуҳ алайҳиссалом ўз қавми билан тўфондан нажот топиб, улар жойлашган кема қуруқликка тушган куни ҳам, Мусо алайҳиссалом Бани Исроил билан Фиръавннинг зулмидан қутулган — улар учун денгизнинг нариги қирғоғига ўтиб олишлари учун сув ўртасидан йўл очилган кун ҳам Муҳаррам ойининг ўнинчи кунига тўғри келар экан.

Ривоят қилинади: Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам Мадинага ҳижрат қилиб келганларида, кўрдиларки, яҳудийлар Муҳаррам ойининг ўнинчи куни рўза тутишар эди. Сабабини сўраганларида, «Мусо алайҳиссалом рўза тутганлар, чунки шу куни Фиръавннинг зулмидан нажот топганлар» дейишди. Шунда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Сизлардан кўра биз кўпроқ ҳақли эканмиз», деб, ўша куни рўза тутишликка буюрдилар. Ва ташбиҳ бўлиб қолмаслиги учун тўқизинчи куни ҳам рўза тутишликка буюрдилар. (Муслим ривояти).

Аллоҳ бу улуғ мавсумларни ва янги йилимизни файзу-баракотли бўлишини насиб этсин. Бу йил давомида Аллоҳ таоло барчамизга эзгу ишларни, савобли амалларни кўпайтириб адо этишимизда ғайрат, куч-қувват, сиҳат-саломатлик берсин!

*Ушбу мақола Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги
Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2023 йил 16 июндаги 03-07/4775-рақамли
хулосаси асосида тайёрланди.*